O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 11-oktabr, chorshanba, 41 (371)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Буюк жаҳонгир ва саркарда Амир Темур таваллуд топган навқирон юрт, унинг дилбар бир гўшаси бўлмиш қадим Кеш мустақиллик шарофати ила тобора чирой очиб, гуллаб-яшнаб бормоқда. Улуғ аждодларимизга эҳтиром рамзи сифатида бу кўҳна шаҳар — Шаҳрисабзда барпо этилган ва қайта тикланган тарихий обидалар халқимизнинг узоқ кечмишидан бугунги авлодларга ҳикоя қилмоқда. Айниқса, Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали қайта таъмирланиб, ўзига хос қиёфа касб этган Оқсарой бугун нафақат ўзбекистонликларнинг, балки дунё аҳлининг муқаддас қадамжосига айланган.

СУРАТЛАРДА: Шаҳрисабздаги Амир Темур ҳайкали ва қадимий Оқсаройнинг бугунги кўриниши.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги 29-умумтаълим мактабида «Устоз — отангдек улуғ» номли тадбир ўтказилди.

ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Унда бир гуруҳ партия фаоллари, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчи-мураббийлар, ўқувчи ёшлар иштирок этишди.

Тадбир аввалида сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов устозларнинг қадри ва улар берган сабоқнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида гапирди. Шоир янги шеърларидан ўқиб берди.

Мактаб ўқувчилари ҳам устозларига атаб шеърлар ўқишди. Куй-қўшиқлар ижро этишди. Йиғилишда сўз олганлар ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати ҳақида гапириб, ёшларни яхши билим олишга, юрт келажаги учун муносиб ворис бўлишга чақиришди.

Тадбирда, шунингдек, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, Низомий номидаги педагогика университети амалий тасвирий санъат кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори Саидахбор Булатов, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўрибосари Хайринисо Мирзажонова, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматовалар иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

Йиғилиш сўнгида партия аъзолигига қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Азизбек РУСТАМОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

● Долзарб мавзу

«ШАШМАҚОМ» ЙЎҚОЛМАСИН

Мустақиллик йилларида маданиятимиз, маънавиятимиз, миллий қадриятларимизни тиклашга катта эътибор берилди. Президентимиз ташаббуси билан дунё цивилизацияси тараққиётида муносиб ўрин эгаллаган улуғ боболаримиз меросини ўрганиш, уларнинг юбилейларининг халқаро миқёсда кенг ўтказилиши мамлакатимизни жаҳонга яна бир бор танитди, халқимиз руҳиятини кўтарди. Айниқса, кўҳна Шарқ мусиқаси, қўшиқчилигини шарафловчи "Шарқ тароналари" халқаро анжуманининг Самарқандда ўтказилаётганлиги ва бу тадбирнинг эндиликда аньанавий тус олганлиги қадимий маданиятимиз ва халқимизнинг бугунги салоҳиятига билдирилган эҳтиромдир.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги Ориф Гулханий уй-музейида бўлиб ўтган аҳли маърифатнинг навбатдаги йиғилишида ушбу ютуқлар чуқур қониқиш билан эътироф этилди, уларнинг ташкилотчи ва ижрочиларига тасаннолар айтилди. Шу билан бирга яна бир мавзу кўтарилдиким, у ҳеч кимни бефарқ қолдирмади: ҳар икки йилда бутун кўҳна Шарқ мумтоз мусиқасининг бугунги дарғаларини ўзида йиғиб, жаҳонга кўзкўз қиладиган азим Самарқандда "Шашмақом" ансамбли йўқ экан! Ўтган аср бошларида "Шашмақом"чиликда донг таратган Бухоро мактаби вакиллари "панжасиға панжа" урган Абдулазиз Абдурасулов, унинг издош ва шогирдлари қўшиқчилик анъаналарини бугунги кунда ким давом эттиради? Наҳотки, асрлар давомида тобланиб, сайқал топган қўшиқчилик аньаналари унутилиб юборилади? Шу муносабат билан Гулханий уй-музейи мудири, шоирнинг набираси Муқим Орипов ўзининг Австрия сафари чоғида кўрганларини гапириб берди. Вена шаҳрининг марказий боғида ҳафтада бир марта, албатта, Бетховен мусиқаси куни бўлар экан ва ушбу кунда шаҳар аҳли ўз фарзандлари билан боғга келишиб, мусиқадан баҳраманд бўлишар экан. Қандай гўзал анъана!

Албатта, Самарқанд шаҳрида "Шашмақом"чилик анъаналари бутунлай йўқолиб кетган десак, ҳақиқатдан йироқ бўлар. Ушбу соҳада халқ артисти бўлган Асатулло Атоуллоев, Барно Исоқова, Ихтиёржон Султоновлар мухтасар қилиб айтганда мактаб кўрган санъат арбоблари бўлишса, Жўрақул Солиев, Фарҳод Ҳалимовлар "Шашмақом" сирасига кирадиган қатор ашулаларни ижро этишади. Тойлоқлик Баҳодир Сирожиддиновга эса шинавандалар бундай ашулаларни севиб ижро этганлиги учун "Баҳодир танбур" деган унвон беришган.

Бир сўз билан айтганда, Самарқандда "Шашмақом"чиликни тиклаш учун имкониятлар мавжуд, кадрлар ҳам бор, фақат эътибор ва ҳафсала зарур, холос. Балки республика миқёсида "Шашмақом" номи билан кўрик-танлов ташкил қилиш лозим бўлар, балки 2001 йилда Гулханий уй-музейида ўтказилган "Шашмақомхонлик" кечасини тиклаб, унга даврий тус бериш мумкин бўлар, балки вилоят маданият ва спорт бошқармаси мутахассислари янада мақбулроқ тадбир топишиб аҳли Самарқандни хурсанд қилишар. Фақат ушбу таклифимиз эътибордан четда қолиб кетмаса бўлгани.

Бу ишга телевидение ва радиоэшиттириш жамоалари ҳам жалб қилинса, нур устига аъло нур бўлар эди. Ахир, «Ўзбекистон» телеканали "Оҳанрабо", "Айтишув" каби кўрсатувларни ташкил этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлаяпти-ку!

Шухрат ТЕМИРОВ.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Ромитан туман кенгаши ташаббуси билан «Энг катта бойлигимиз тинчлик ва барқарорликни асрайлик» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Зарбдор туман кенгаши ташаббускорлигида «Сенга таъзим устоз, мураббий!» номли тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Навоий вилояти Кармана туман кенгашида «Миллий-маънавий қадриятларга эътибор — давр талаби» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман кенгаши халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Шодлик» оромгоҳида «Сизга таъзим, устозлар» мавзуида тадбир уюштирди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилояти Шовот туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшларимиз — миллатимиз келажаги» мавзуида ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман кенгаши ташабускорлигида «Устоз ва мураббийлар эл ардоғида» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Мирзачўл туман кенгаши ташаббуси билан «Мурувват — инсон зийнати» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти кенгашининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Марказий кенгаши С.Раҳимов туман кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбек Миллий театри Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тадбири уюштирди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туман кенгаши ташаббуси билан Бўстон шаҳрида «Устозга эҳтиром» мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

● Устоз — отангдек улуғ

Жамиятимизда янгиланиш, турли ислоҳотлар туфайли дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маънавий меросларидан фойдаланиш имкониятлари очилди. Ватанимизнинг ёрқин келажаги бўлган фарзандларимизни одобли, хушфеъл, олижаноб, комил инсон даражасидаги шахс қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Таълим-тарбия беришда, хусусан, уларни тарбиялашда таълим муассасаларида, оилада, маҳаллада мавжуд айрим камчиликларимиз аён бўлиб қолмоқда.

АСРИЙ АНЪАНАЛАР ИЗИДАН

Ўзимизнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз бир четда қолиб, Европа мамлакатлари маданиятига кўр-кўрона эргашиб, сал бўлмаса миллий ўзлигимизни, тилимизни ҳам унутаёздик Истиқлол йилларида миллий маданиятимизни қайта тиклаб, уларга янгича маъно, мазмун бериб, тарбия ишига ҳам шарқона руҳ бера олсак ажаб эмас. Ҳозирда энг муҳим масалалардан бири ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантириш ва камол топтиришдир. Узоқ ўтмишдан тортиб то цивилизациянинг энг гуллаб-яшнаган даврларида ҳам инсоният, жамият олдида ёшларни нимага ўргатиш керак, деган савол турганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Олимларнинг изланишлари шуни кўрсатдики, Марказий Осиё халқлари ҳунармандчиликда юксак даражага етишганлигининг сабабларидан бири аждодларимиз устоз-шогирд анъаналарига амал қилиб ёшларга ҳунар ўргатганлигида экан. Бу борада улар ниҳоятда бой тажрибага эга бўлганлар. Бироқ кейинги пайтда биз аждодларимизнинг бой меросидан ҳамда тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Уларнинг бой тажрибалари ёритилган адабиётлар ҳам етарли даражада эмас. Бундан ташқари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида устоз ва шогирд одоби анъаналарининг тўлиқ ўргатилмаслиги ўқувчи-ёшларимизнинг одоб-ахлоқига, билим даражасига салбий таъсир этаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Устоз-шогирдлик анъаналаридан унумли фойдаланишнинг афзал жиҳатлари кўп. Бу йўлга қўйилса, ўқувчиларда аждодларимиз маънавий меросига бўлган ҳурмат ва эътибор кучаяди, уларнинг устозларига, отаоналарига, ўртоқларига, атрофидаги инсонларга бўлган ҳурмати ошади. Бундан ташқари, улар ўша ҳунарни қиёмига етказиб ўрганишларида бу анъана асос бўлиб хизмат қилади.

«Миллий тикланиш — оиладан бошланади!» деган шиор партиямизнинг дастурий вазифаларидан бири, тарбияга катта эътибор қаратилаётгани эса мазкур шиорни мантиқан давом эттиради. Ахборот асри ёшларини маънавий, ахлоқий камолга етиштириш ғояси «Устоз — отангдек улуғ» деб ном олган умуммиллий ҳаракат дастури орқали амалга оширилади. Ҳар бир зиёли фикр, ҳар бир зиёли инсон миллий бойлигимиздир аслида. Мамлакатимиздаги таълим тизимида, оилада, жамоат жойларида келажак авлодимизнинг комил инсон бўлиши учун ҳозирдан ҳаракат қилмас эканмиз, эртага кеч бўлади. Аввало, келажак авлоднинг касбий фаолиятини эмас, шахсий фаолиятини тарбиялашимиз зарур.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ана шундай эзгу мақсадларни кўзлаб «Устоз — шогирд» анъаналари асосида етук кадрлар тайёрлаш низомини ишлаб чиққан. Бу низом кириш ва тўртта бобдан иборат бўлиб, унда «Устоз-шогирд» анъаналарининг маънавий асослари ва мезонлари 6 қисмга бўлиб ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари, жойларда тез-тез ўтказиб туриладиган тадбирларнинг мазмуни ҳақида ёзилган. Бундан ташқари, бу эзгу анъаналарга оид эшиттиришлар, кўрсатувлар, мақолалар тайёрлаш, дастурлар, кўргазма куроллари, китоблар нашр этишнинг ҳуқуқий асослари мазмуни ҳам киритилган. ЎзМТДП «Устоз-шогирд» анъаналари асосида етук кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Низом асосида бир қатор вазифаларни бажаришни режалаштириб қўйганмиз.

Кўргазмали куроллар, методик қўлланмалар тайёрлаш ҳамда маҳаллаларда, ўқув юртларида «Устоз-шогирд одоби» мавзуида турли тадбирлар ўтказиш ҳам асосий вазифалар қаторига киради. Мамлакатимизда ва хорижда ҳам Ўзбекистонда «Устоз-шогирд» анъаналари асосида етук кадрлар тайёрлаш мавзуида илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, халқаро конференциялар уюштириш, чет элдаги устоз-шогирдлик анъаналаридан тажриба сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир инсон Ватан учун, халқи фаровонлиги, келажаги учун тил ва дил бирлиги асосида яшамоғи лозим.

Саидахбор БУЛАТОВ, Низомий номидаги ТДПУ амалий санъат кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.
Ўктам ШАКАРОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

ДАВРА ТЎРИ — УСТАНИКИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасидаги «Лола» гўзаллик салонида эркаклар ва аёллар сартарошлари хизмат қилади. Салондаги ёши энди қирқдан ошган бўлсада, сочига оқ оралаган Алишер исмли устага соч олдириб юраман. Очиқ юз, хушмуомала йигит. Соч олиш жараёнида у ёқ-бу ёқдан суҳбатимиз қизийди.

— Илгарилари ўғил болаларни суннат қиладиган сартарош усталар кўп бўларди, — саволомуз гап бошлайман.

— Ҳозир ҳам бу ишнинг уддасидан чиқадиган катта усталар кўп. Бироқ негадир кўпчилик ўғилларини суннат қилиш учун шифохоналарга олиб боришаётир. Нима, ётқизиладиган ўғилчалардан борми?

— Худога шукр, ўғлимиз катта бўлиб қолди. Миллий урф-одатлар эсга тушиб қизиқсиндим-да! Анча йиллардан бери сартарошсиз, шогирдлар ҳам кўпайиб қолгандир?

— Йигирма беш йилдан буён шу касбнинг нонини еб юрибман. Шогирдлар элликтадан ошди. Худога шукр, уларнинг ишидан кўнглим тўқ. Ҳунарингни бировга ўргатиш ҳам катта савоб, дейишади-ку, — жилмаяди Алишер. — Яқинда бир шогирдим дадаси билан келиб никоҳ тўйига айтиб кетди. Ҳамкасбларим билан бордик. Амри маъруфга йиғилган меҳмонлар қаторига қўшилдик. Маҳалла масжидининг имоми куёвнинг устаси экан, деб кўрдақўймай, мени ўзидан ҳам тўрига ўтказди. Ўша дамда устозлик нақадар улуғ бахт эканини юрақдан ҳис қилдим. Кўзимдан хурсандчилик ёшлари чиқиб кетди...

Устанинг гапларини тинглар эканман, касб-ҳунар ўрганиб, уни бошқа бир бирадарига ҳам ўргатган инсон кишиларнинг афзалидир, деган ҳикмат ёдимга тушди.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Нашр кўрсаткичи — 158.

Замондошларимиз

АССАЛОМ, МУРАББИЙ!

Қийиқ кўз, кулча юзли қизалоқ дугоналари билан холакасм, жамбил, тортишмачоқ, бекинмачоқ ўйнаб юрганида ҳам, келгусида ким бўлиш ҳақида гап очилганда ҳам ширин тил билан мен боқча опа бўламан, дерди. Орадан йиллар ўтди. Мамлакатнинг, дугоналарининг ҳам бўйлари чўзилди. Орзулари юксалди. Лекин Мамлакатхон укаларини, қўшни болаларни яхши кўрар, уларни ўйнатишдан қолмасди.

— Отам Нуриддин ака (худо раҳматига олган бўлсин) асли ўшлик бўлган. Онам Хадичахон Янгийўл туманидан Ўшга келин бўлиб тушган эди. 13 ёшимда тўсатдан отамдан ажралиб қолдик. Оиламиз Янгийўлга кўчиб келди, — дейди Мамлакатхон ёшлик йилларини эслаб. — Бу ерда ҳам болалар билан тез чиқишиб олдим. Мактабни тамомлагач, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан аъло баҳолар билан ўтдим. Энди мен талаба эдим. Ўзимда йўқ хурсандман. Ўзимни гўё барча нарсага қодирдек ҳис қилдим, ич-ичимдан ғурурланардим. Бутун диққат-эътиборимни ўқишга қаратдим. Ўқишни муваффақиятли тугатиб, ишга келдим. Одам болалигида чин дилдан нимани орзу қилса амалга ошаркан. Менинг ҳам орзуим рўёбга чиққан эди. Мен ўзим хоҳлаган соҳада иш бошладим. Бахт ҳам эшигимни қоқди. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманига ўқитувчилар сулоласига келин бўлиб тушдим. Тўлқин акам ички ишлар бўлими ходими. Уларнинг ака-укалари, овсинларимнинг бари ўқитувчи. Раҳматли қайнотам Бозорбой Хушвақтов Иштихонда таниқли маърифатпарвар, зиёли инсон эдилар. Равот қишлоғидаги мактаб уларнинг номи билан аталиб, ҳовлисида чиройли бюсти ўрнатилган.

Бугун мамлакат Йўлдошева катта ўқитувчи. Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-умумтаълим мактабида бошланғич синфларга она тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Болаларни яхши кўрганлиги, бу жажжи олам сирларини ўрганишга қизиққан Мамлакат Йўлдошева яна бир мутахассисликни эгаллаш зарурлигини тушунди. Тошкент педагогика институтининг психология факультетига ўқишга кирди. Амалиётчи психолог мутахассиси деган иккинчи диплом эгаси бўлди.

— Болаларнинг кўзига қараб кўнглидагини билиш мумкин. Бирови билан жиддий, бошқаси билан юмшоқроқ гаплашишга тўғри келади. Баъзи ота-оналарга фарзандингиз у бола билан дўстлашмасин, ундан узоқроқ юрсин деймиз. Бу бежиз эмас. Балоғат ёшидаги ўспиринлар таъсирчан бўлади. Ҳар бир нарсани хоҳ у яхши, хоҳ ёмон бўлсин

тез қабул қилади. Улар билан дўстлашиш, дилдан суҳбатлашиш бундай пайтда яхши натижа беради.

Мамлакат Йўлдошеванинг ўз иш услуби бор. 24 йиллик педагоглик фаолиятида изланувчанлик, ҳаракатчанлик унинг шиори. Ахир бугунги болалар кечагисидан фарқ қилади. Кўзингизга термулиб турган болага яхши билим бериш учун, аввало, ўқитувчининг ўзи билимдон бўлиши керак. Институтдаги билимлари етарли эмас. Ўқитиш дастурлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Интернет клубларида бўлиш, воқеа-ҳодислардан хабардор бўлиши зарур. Бугун ҳар бир шаҳарда ўқиётган бола Интернетга улана олади. Ўқитувчи унинг оғзига қараб қолмаслиги керак. Болалар энциклопедиялари, ҳадислар, керак бўлса, Қуръони Каримдан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўқитувчидан фаол бўлиш, тиниб-тинчимасликни талаб қилади. Мамлакатхон буларнинг барига амал қилади. Унинг иш услуби, меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Мамлакат Йўлдошева «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» деган унвон билан тақдирланди. Бошланғич синфлар йўналиши бўйича 2005-2006 ўқув йилида республикада «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» деган шарафли номга муяссар бўлди.

— Касбимни яхши кўраман. Ҳар тонг болаларимни соғиниб мактабга келаман. Мактабдан уйга чарчаб бораман деган сўзларни эшитсам ҳайрон қоламан. Ўқувчиларим билан гаплашсам, уларни тингласам чарчоғим ёзилади. Гулларни, аквариумдаги балиқларни кузатишни севаман. Бу мўъжизалар — ўқувчиларимга ўхшайди. Чиройли, сирли, ҳаракатчан. Кўргазмали қуроллар билан дарсга тайёрланиб кирсам, улар мендан бир янгилик кутишади. Ўшани ўқувчиларимга берган куним энг бахтли, ишимдан қониққан куним шу бўлади.

Одам ўзидан, бажараётган ишидан кўнгли тўлдими — бу яхшилик аломати. Эртага яна яхшироқ ишлашга ҳаракат дегани. Мамлакат Нилуфар, Дилшода, Нодира исмли қизларининг ҳам танлаган касбларининг фидойиси бўлишини истайди.

Сиз йўлда, автобусда, йўлакда, бозорда кетаяпсиз. Қўлини кўксига қўйган собиқ ўқувчиларингиз ана, устозимиз, дейишади. Ва олдингизга келиб: ассалом, устоз дейди. Шунда юрагингиз фахрга, ғурурга тўлади. Бундай ҳолни ҳеч бошингиздан ўтказганмисиз? Кўрмаган бўлсангиз сиз ҳам устоз бўлинг. Ҳаёт йўлларида, касб-ҳунар танлашда, бировга тўғри йўл кўрсатишда устозлик қилинг. Ана шунда бу сўзнинг қанчалик улуғлигини дил-дилдан ҳис қиласиз.

Дилором ИСМОИЛОВА.

Қарор ва ижро

Тараққиёт давом этмоқда. Бунга мисол қилиб, компьютер ва уяли алоқа воситалари билан бирга муомалага кириб келган пластик карточкаларни келтириш мумкин. Бугунги суҳбатимиз мавзуси республика Марказий банкининг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси банк фаолиятини тартибга солиш шўъбаси мудири Муҳаммадшукур ТИЛАВОВ билан бўлди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

— Пластик карточкага ўтилган мамлакатларда унинг афзалликлари аллақачон эътироф этилган, — дейди суҳбатдошимиз. — Негаки, доимий ишлатиладиган, қўлдан-қўлга, тинимсиз ўтиб турадиган, турли шароитларда сақланадиган пул, аввало, сифатини йўқотади. Уни чўнтакда олиб юришнинг ноқулай томонлари кўп. Уни йўқотиб қўйиш, ўғирлатиш мумкин. Агар сиз ойлик маошингиз, хоҳишингизга кўра жамғармангизни ўз номингизга, барчадан сир сақланувчи кодингиз билан очилган пластик карточкангизга ўтказсангиз, бундай ташвишлардан холи бўласиз.

Фақат савдода эмас, агар терминал ўрнатилган бўлса, коммунал тўловларни амалга оширишда, овқатланишда, меҳмонхона, транспорт хизматларидан фойдаланишда, хуллас, пул билан битадиган барча юмушларда ундан фойдаланганингиз бўлади. Пластик карточкага сиз қўшаётган маблағ ва унинг харажати ҳисоб-китобида янглишиш ёхуд чалкашликка йўл қўйилиши асло мумкин эмас.

— Борди-ю, менинг пластик карточкам йўқолиб қолса, маблағимга куйиб қолмайманми?

— Йўқ, агар сиз қандайдир миқдордаги сўмингизни ёки чет эл валютасини йўқотиб қўйганингизда эҳтимол куйиб қолган бўлардингиз. Йўқолган пластик карточка эса фақат сизга тегишли ва унда ўз кодингиз мавжуд бўлганлиги боис, бошқа ҳеч ким ундан фойдалана олмайди. Уни тиклаш учун ўзингиз мижоз бўлган банкка борасиз ва янги карточка оласиз.

— Муҳаммадшукур Бобожонович, агар мен юридик шахс бўлсаму корхона ташвишлари билан сафарга чиқишимга тўғри келса ёки корхона учун у-бу олиб келишим зарур бўлса, бундай ҳолатда ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишим мумкинми?

— Пластик карточкалар турлича бўлади. Жисмоний шахслар учун оддий пластик карточкалар хизмат қилади. Юридик шахслар учун эса корпоратив карточкалар берилади. Бундан ташқари, инкассаторлик пластик карточкалар ҳам мавжуд. Улар кодланиши ва рангидан ҳам фарқланиб туради.

— Пластик карточканинг яна қандай афзаллик томонлари бор?

— Афзалликларидан бири шундаки, у бевосита омонат дафтарчасининг вазифасини ҳам ўтайди. Унга қўйилган маблағингизга кунма-кун қиймат қўшилиб боради. Бу ҳар бир пластик карточкалар учун ўша банк фоизлари даражасида бўлади. Яна бир афзаллиги, пластик карточкалар фуқаронинг паспорти асосида кучга кирганлиги боис қатор ривожланган мамлакатларда паспорт мақомига ҳам эга бўлмоқда. Бундай кунлар эса ўзимизга ҳам етиб келмоқда. Пластик карточкаларнинг афзаллиги хусусида тўхталар эканмиз, шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, ҳисоб-китоблари терминал орқали амалга ошириладиган корхоналарга солиқ тўловларида имтиёзлар берилади. Улар пластик карточка билан амалга оширилган муомала орқали қилинган даромадлари учун ўн фоиз кам солиқ тўлашади.

— Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 24 сентябрда «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилган эди. Ўтган даврда Қарор ижросини таъминлаш бўйича талай ишлар қилинди. Республикамиз Президентининг 2006 йил 3 августда «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Демак, нақд пулсиз муомалани кенгайтириш давр талабига айланган. Хўш, бу борада вилоятдаги аҳвол қандай?

— Жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига кўра вилоятимиздаги 15 та тижорат банкининг 13 тасида пластик карточка хизмати йўлга қўйилган. Ўрнатилган терминаллар сони 586 та, пластик карточкалар 175876 донага етди. Ўтган 8 ой давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган айланма маблағлар суммаси 6887,1 миллион сўмни ташкил этди. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида қатор банклар ва йирик корхоналарда 9 та банкомат ўрнатилган.

Ўктам КУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Банк ва ислоҳот

МИЖОЗ РАҲМАТИ — ЭНГ ЯХШИ РАҒБАТ

— «Пахта банк»дан миннатдормиз, — дейишмоқда бугун Қарши шаҳридаги кўпчилик мижозлар. Бунинг боисини суриштирсангиз, оддий ва лўнда қилиб жавоб беришади.

— Ўз шиорига хос ва мос иш олиб бораётган «Пахта банк» ҳақиқатан ҳам фаровонлигимиз калити экан. Жумладан, акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Қарши шаҳар бўлими жамоасининг беминнат ва қулай хизмати ютуқларимиз кафолатига айланмоқда.

Бу нималарда намоён бўлади?

Мижозлар билан эрта-ю кеч гавжум бўладиган, уларнинг банк билан боғлиқ масалаларини пайсалга солмай, тез ва пухта адо этишга одатланган сергайрат жамоанинг фаолияти билан танишар эканмиз, беихтиёр масаланинг ана шу жиҳатларига ҳам эътибор бердик.

Банкнинг Қарши шаҳар бўлими бошлиғи Зиёдулла Равшановнинг қабулига кириб келган аёл ўзини Кўрғон кўчасида яшовчи кўп болали она Қумри Усмонова деб таништирди.

— Сизларга раҳмат, — деди у ҳаяжонини яшира олмай. — Шахсий ёрдамчи хўжалигимизга ажратиб берилган 864 минг сўм маблағ"га соғин сигир сотиб олгандик. Коримизга яраяпти. Ҳар куни дастурхонимиздан сут, қатиқ, сарёғ аримаяпти. Оиламиз ризқи каби даромади ҳам яхшиланиб бораётганини гапирмай қўя қолай. Ҳадемай соғин сигирнинг бузоғи ёнимизга фойдага қолади. Ўзим ишли бўлдим. Аввалларидарсдан сўнг бекор юрган болаларим ёнимга киришди. Чорвага қарашмоқда.

Опанинг сўзларини тинглаб, кузатиб қолар экан, Зиёдулла Равшановнинг чеҳраси янада ёришди.

— Давлатимиз раҳбарининг элпарвар қарори шарофати бу, — деди у мамнунлик билан. — Юртбошимизнинг чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 308-сонли Қарорига асосан ҳозирга қадар 53 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларига 41 миллион 897 минг сўм маблағ ажратдик. Бунинг 26 миллион 897 минг сўми банк ресурси, 15 миллион сўми эса меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг ресурси ҳисобидан амалга оширилди. Ўзларига бўлган бундай эътибор ва ғамхўрликдан кўпчиликнинг кўнгли тоғдай кўтарилмоқда.

Дарҳақиқат, бўлим жамоаси учун мижозлар раҳмати энг яхши рағбатга айланган. Ўз касбига астойдил меҳр қўйиб меҳнат қилаётган кредит бўлими бошлиғи Гулнора Қудратова, бўлим ходими Озода Халилова, ҳисобчилар Ольга Иргашева, Ильгиза Ватазетдинова, Муҳаббат Ражабова сингари мутахассисларнинг банк обрў-эътиборини оширишга қўшаётган ҳиссалари ортиб бормоқда. Уларнинг хизматидан мижозларнинг доимо кўнгли тўлмоқда.

— Бугунги кунда республикамизда иқтисодий ислоҳотларга катта аҳамият берилаётганлиги туфайли вилоятимизда кўплаб енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мажмуалар қурилиб, ишга туширилмоқда, — дейди кредит бўлими бошлиғи Гулнора Қудратова. — Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ортиб, уларнинг сифатини яхшилаш, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражага етказиш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эътибор кучаймоқда. Шу мақсадга хизмат қилаётган «ЎзКазпласт» Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси 2004 йилнинг 20 мартида ташкил этилди. Унинг таъсисчилари Ўзбекистоннинг «Ал-Саид» фирмаси билан Қозоғистоннинг «АРГА» МЧЖ ҳисобланади.

Корхона салқин ичимликлар ишлаб чиқариш, ёғни қайта қадоқлаш учун зарур бўлган пластмасса идишларни тайёрлашни кўзлаб, вилоятимиз, қолаверса, республикамиз аҳолисини, МДҲ давлатларининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини чуқур ўрганган ҳолда мазкур янги лойиҳани амалга оширишга киришди. Шу мақсадда хомашё, яъни полиэтиллентерефтолат ва ПЭТ-преформа сотиб олиш учун бир йил муддатга тўққиз фоиз устама билан 100 миллион сўм миқдорида капитал қўйилма зарур эди. Қўшма корхона мутасаддилари 2005 йилнинг 16 июнида банкимизнинг шаҳар бўлимига кредит сўраб мурожаат қилишди. Уларнинг аризаси кўриб чиқилиб, лойиҳани молиялаштиришга қарор қилинди. Қўшма корхонага 100 миллион сўм кредит имтиёзли ажратиб берилди.

Ушбу лойиҳа ишга тушганидан сўнг 16 та янги ишчи ўрни яратилди. 2005 йилнинг ўзида корхонада тайёрланган маҳсулотларни сотишнинг ўзидан 284817 минг сўм соф фойда олинди. Бугунги кунда банкимиз «ЎзКазпласт» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда яна бир янги лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

ХА «Пахта банк» — энг ишончли ҳамкор. Унинг юқори малакали хизмати ҳар қандай мижознинг манфаатига тўла мос келади. Кам фоизли кредитлари эса ўз ҳамкорларининг тараққий этиб, равнақ топишига йўл очади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Мозийдан садо

Мозийдан сўзлайдиган китоблар одамлар ҳаётининг бир бўлагидир, шунинг учун уларнинг қалбида яшайди. Илм хазинасидан ёки тарихдан хабардор бирор киши билан мулоқот қилсангиз, кўп нарсани тушуниб оласиз. Билган, эшитган, ўқиганларингиз ёдингизга тушади, бу нарса одамни фикр-мулоҳаза қилишга ундайди. Атоқли олим Наим Каримов билан суҳбатимиз ҳам миллий тарихимиз тўғрисида бўлди.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

Аслида у киши билан йўл-йўлакай сўзлашилган гапларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Суҳбат шундай бошланган эди, чамамда:

— Ҳар бир мустабид тузум дарахти халқнинг қони ҳисобига ўсиб, қўкарган. Буни тарихий битиклардаги рақамлар, вайронага айланиб, ярим-ёрти бўлиб қолган иморатлар ҳам исботлайди, шу ҳақда сўйлайди. Большевиклар 1917 йилнинг октябрида чоризмдан мерос бўлиб қолган улкан жўғрофий кенгликда, ҳокимиятни қўлга олишлари биланоқ зудлик билан бойликларни талашга тушганлар. Ўтган асрнинг 1918-19 йилларида қанчадан-қанча ўзига тўқ оилалар хонавайрон, бадарға қилиниб, мол-мулклари мусодара этилган. Бундай адолатсизлик билан муроса қила олмаган одамлар фавқулодда тузилган комиссиянинг манқурт аъзолари томонидан судсиз-сўроқсиз отиб ташланган. Ўша даврда одамларни сарсон-саргардон қилинганлигини кексалар ҳамон нафрат ва аламзадалик билан гапиришади.

Орадан елдек учиб йиллар ўтди. Шундан кейин жамоалаштириш даври бошланди, ўзига тўқ инсонлар муштумзўрлар сифатида бадарға этилди. Минглаб оилалар Сибирь, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистонга — олис-олис ўлкаларга сургун қилинди. Ўзбек халқининг ақли, ор-номуси ва ифтихори бўлган кишилар большевиклар қуражак давлатнинг зулм ва зўравонликка асосланганлигини олдиндан сездилар. Миллат фидойилари бўлган зиёлилар бу нарсага индамай қараб тура олмасдилар. Шулар қаторида Фитрат 1917 йил февраль воқеаларидан кейин "Юрт қайғуси" деб номланган сочмасини эълон қилди. Ёзувчи асарларида соҳибқирон Амир Темур руҳига мурожаат этиб, миллий истиқлол ва миллий бирлик йўлида бир ёқадан бош чиқариб, бирлашиш тўғрисида ёзади ва мустамлакачилик йилларида вайронага айланган Ватан шаънини тиклашда ундан мадад сўрайди. Маърифатпарвар, миллатсевар Мунаввар қори Абдурашидов билан таниқли ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаев ўша кунлари Тошкентдан Сибирга дислокация қилинаётган чор қўшинлари ёрдамида миллий инқилобни амалга оширмоқчи бўладилар. Октябрь тўнтаришидан кейин эса маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий "қизил" мустамлака кишанларидан халос бўлиш йўлларини излайди. Бундан воқиф бўлган большевиклар уни Бухоро амири қўли билан қатл этадилар.

1920 йил Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойида Мунаввар қори Абдурашидов ва шоир Чўлпон Анвар пошшо билан учрашиб, большевизм дастидан қутулиш учун ундан мадад беришни сўрайдилар. Шу тариқа ўзбек халқининг эрксевар фарзандлари Октябрь тўнтариши арафасидаёқ шовинизм ва мустамлакачилик иллатлари билан заҳарланган большевикларга қарши кураш йўлини танладилар.

Ҳали большевиклар зулм отини қамчиламай турибоқ, 1920-21 йилларда содир бўлган воқеалардан ларзага тушган Чўлпон "Бузилган ўлка " шеърини ёзиб, халқни миллий истиқлол, юрт озодлиги учун курашга чорлаганди. Унинг шеърияти 20-йилларда "босмачилик ҳаракати" деб аталган миллий эркинлик ҳаракатининг байроғига айланди. Кечаги жадидлар большевиклар асоратидан халос бўлишнинг янги-янги йўлларини ахтардилар. Адабиёт, тэатр, матбуот ва маърифат масканлари одамларни истиқлол қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялай бошлади, — дейди олим суҳбат жараёнида. Тилга олинган даҳшатли гаплар мени ўйлантириб қўйди. Бу гапларни ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги билмайди. Кўпроқ китоб мутолаа қилган, тарихга қизиқиши бор кишиларгина бундан хабардор бўлиши мумкин. Тарихимизнинг очилмаган қўриқ маконлари кўп. Биз ва сиз билмаган кўплаб манбалар қайсидир жойларда ёки чет эл кутубхоналарида, шахсий кутубхоналарда ҳам бўлиши мумкинлигини ҳеч ким инкор этмайди. Буни фақат ўрганиш ва изланиш туфайли билиш мумкин.

Суҳбатдошим яна сўз бошлади:

— Агар XIX асрнинг 60-йилларидан 1916 йил воқеаларига қадар бўлган даврда тўрт юздан зиёд катта ва кичик исёнлар рўй берган ва улар шафқатсиз бостирилган бўлса, 20-йилларда умумхалқ ҳаракатига айланиши мумкин бўлган қўзғолонни ўт олмай туриб даф этиш лозим деб топилди. Ҳукумат тасарруфидаги идоралар қаттиқ назорат остига олинди.

Халқни ўз ортидан эргаштириши мумкин деб ҳисобланган кишилар орқасидан хуфялар аримади. 1929-30 йилларга келиб эса шўро ҳокимияти энди ўзида уларни йўқ қилиш имконияти борлигини билди. Мунаввар қори Абдурашидов бошчилик қилган "Миллий истиқлол" ва "Миллий иттиҳод" ҳаракатлари собиқ аъзоларининг барчаси, шунингдек, шоир Боту ва Рамзий раҳбарлигидаги Маориф халқ комиссарлиги, Саъдулла Қосимов ва Бадриддин Шарипов етакчиси бўлган суд ва прокуратура ходимлари олдинма-кейин қамоққа олинди. Ана шу суд ва тергов жараёнларида кўксида миллий озодлик ва тараққиёт истаги бўлган элпарвар одамлар бирма-бир аниқланди. Улар 1937 йилга келиб, қатағон даврининг иккинчи тўлқинида оммавий равишда қириб ташланди. 80-йилларнинг ўрталарида қатағон қурбонлари тўғрисидаги қатор мақолаларнинг халқимиз томонидан мамнуният ва қўтаринкилик билан қарши олинганлиги хотирамда муҳрланиб қолган. Ўша пайтдан бошлаб кишилар ҳақиқат ва адолат тантанасига ишондилар.

Мен ҳам ана шу кезларда замондошларимда ҳақиқат ва адолат тантанасига ишонч туйғусини уйғотишда иштирок этганлигим билан ўзимни бахтиёр деб биламан, — дейди Наим Каримов мамнуният билан.

Олим кўпроқ маълумотларни билиши, архивларда сақланаётган сирли ва пинҳона манбаларни излаб топиши учун ҳам шижоатли ва жасоратли бўлиши лозим. Ҳар бир тарихий манбани халққа асосли далил билан етказишга нафақат билим, шунингдек, катта маҳорат ҳам керак.

— Бир пайтлар ўтмиш ва қатағон қурбонларининг фаолиятини ўрганиш учун республика ҳукумати томонидан махсус комиссия тузилган эди. Ана шу комиссия таркибида борлигингизни яхши эслайман. Ошкоралик йилларида халқимиз ўтмишда сир тутилган кўп воқеа-ҳодисаларни билди. Шу жарёнда кўп манбаларни пухта ўрганиб, матбуотда чиқишлар қилганлигингиз кўпчиликка маълум...

Суҳбатдошим бироз ўйга толиб турди-да, яна мозийдан сўзлай кетди:

— Ошкоралик йилларида биз — бир неча журналист, тарихчи ва адабиётшунослар 30-50 йилларда авж олган қатағон қурбонлари "иши"ни ўргандик. Комиссиямиз олдига жуда жиддий вазифалар қўйилган эди.

Халқимиз чоризм истилоси бошланган XIX асрнинг 60-йилларидан Истиқлол давригача мустамлакачилик зулми остида яшаб келди. Мустабид тузумга қарши юзлаб исён кўтарилди. Исёнчилар ҳаракати шафқатсизлик билан бостирилди. Чор ҳукумати даврида дорга тортилган, Сибирга юборилган кишиларнинг сонсаноғи йўқ.

Туркистон мухторият ҳукумати тугатилгандан кейин дашноқлар ва большевиклар томонидан қириб ташланган одамлар сон мингта. Буни эшитиб ҳар қандай одамнинг юраги ларзага келади. Қулоқлаштириш, жамоалаштириш, босмачилик ҳаракати йилларида отилган ва бадарға этилган кишиларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Қўйинг-чи, чоризм ва большевизм даврларидаги қирғин халқимизнинг ўн минглаб, балки юз минглаб гулдек фарзандларини ўз қонли гирдобига тортди. Яқин йиллар оралиғида рўй берган "Ўзбек иши", Пахта иши" деб номланган сохта ишлар-чи?

Хуллас, мустамлакачилик даврининг ана шу узун йўли қонлар, жасадлар, майиб-мажруҳ этилган, хасталикларга гирифтор қилинган, муқаддас Ватанидан — киндик қони тўкилган ердан, қариндош-уруғларидан мосуво қилинган кишилар билан тўла. Жамоатчилик эътиборини тарихнинг шу аянчли саҳифаларига қаратиш, қурбонлар руҳини шод этишдан ортиқ хайрли иш борми?

Кимки Мустақиллик майдонидаги Хотира мажмуасига зиёратга келиб, хотира китобини варақлаган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзга юрт тупроқларида ҳалок бўлган кишиларнинг номларини учратган, албатта.

Аслида Иккинчи жаҳон уруши жабҳаларида қолган ё урушдан ногирон бўлиб қайтган кишилар ҳам мустамлакачилик даврининг қурбонлари жумласига киради. Бироқ уларнинг "ҳақиқий" қурбонлардан фарқи шундаки, бу қурбонлар манглайига "халқ душмани", "ватан хоини", "пантуркист", «панисломист», "миллатчи", "босмачи" деган бир-биридан хунук тамғалар босилмаган ва улар номини тилга олиш "сиёсий хато" ҳисобланмаган. Ўша даврдаги қўрқув одамлар қалбини яралаб қўйгани ҳалигача қарияларнинг ёдидан чиқмайди.

Комиссия олдида турган вазифаларнинг биринчиси — XIX асрнинг 60-йилларидан XX асрнинг 90 йилларига қадар мустамлакачилик даври қурбонларини номма-ном аниқлаш. Бу иш осон эмас. Негаки, уларнинг сони қанча эканлигини ҳеч ким билмайди. Архивлардан ҳам бу саволга жавоб топиш амримаҳол. Шунга қарамай, биз имконимиз борича қурбонлар сони ва салмоғини аниқлашга, уларнинг исм-шарифларини тиклашга ҳаракат қилмоқдамиз. Мустақиллик йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Юнусобод туманида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилди, бу жой зиёратгоҳга айланди. Архив материаллари ва жонли хотиралар асосида оммавий қатағонлар тўғрисида турли эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этилди, ҳужжатли ва бадиий фильмлар, адабий асарлар яратилди.

Олимнинг гапларида жон бор, Мустақиллик йилларида кўпгина ислоҳотлар юз берди. Ўзбекистон тарихининг очилмаган саҳифалари зиёлиларнинг кўп йиллик изланишлари туфайли ўрганилиб, китоб ҳолида ўқувчилар қўлига етиб борди. Наим Каримовнинг бу йўлдаги меҳнати жуда салмоқли. У кишининг ҳаракатлари билан тарихнинг мудҳиш йилларини фош этувчи ҳужжатлар асосида тайёрланаётган "Қатағон" китобида ҳам аччиқ ҳақиқат ёзилган.

Кечани бугун билан солиштирганда холисона баҳо бериш учун тарихни яхши билиш керак. Суҳбатимиз давомида айтилган тарихий ҳақиқатлардан бир шингилини газетхонларимизнинг эътиборига ҳавола этишдан мақсад ҳам шу. Зеро, олим айтганидек, тарихимизда юз берган даҳшатли воқеа-ҳодисалар билан танишганда Истиқлол берган бахтнинг қадрига етиш ҳақида ўйлаб қоласиз.

Мамадали ЭРОНОВ,
Республика Маънавият тарғиботи маркази масъул ходими.

● Яхшилар ёди

Таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов юртимизнинг табаррук инсонларидан бири эди. У нафақат ижодда, балки ҳаётда ҳам ҳамма ҳавас қиладиган йўлни босиб ўтиб, ўзидан катта адабий мерос қолдирди. Сиз қуйида устознинг қизи, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультети публицистика ва адабиётшунослик кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА билан суҳбатни ўқийсиз.

«ҲАМ ОТАМ, ҲАМ УСТОЗИМ ЭДИЛАР»

...Ўз қисматини ўзи танлаган инсон...

...Дадамни кўп қийнашган. Лекин унга азоб берганларнинг ҳаммасини кечирганлар...

...Уларнинг ўткир нигоҳларини ҳар дақиқада ҳис қилиб тураман...

— Муҳаббат Озодовна, нафақат ўзбек адабиётшунослигида, балки бутун ўзбек адабиёти воқелигида Озод Шарафиддинов феномени мавжуд. Ушбу феноменнинг адабий жараёнга таъсири бугунга келиб тарихга айланган. Ҳозирги авлод худди бўрон қуши каби ҳаёт кечирган, XX асрнинг қолипларига сиғмаган, истиқлолимизнинг қутлуғ йилларида эса Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Озод Шарафиддиновни яқиндан билгиси келади. Ва бу табиий ҳол, албатта... Бу ҳақда сизнинг хотираларингиз билан суҳбатимизни бошласак...

— Дадамнинг ҳаётига, ижодига ҳар сафар назар ташласам, ҳеч қачон бирдек текис кечмаганлигининг гувоҳи бўламан.

Дадамларга тарбияни катта бувим — Тош бувим берганлар. Улар ўқимаган аёл бўлсалар ҳам, дадамдаги ўткир зеҳн, истеъдодни кўра билганлар ва уларнинг интилишига тўсиқ бўлмаганлар. Улар дадамни шундай меҳр билан яхши кўрганларки, «нима бўлсаям Озод бошқалардан қолиб кетмасин», деб қуйинганлар.

Москвада ўқиш, у ердаги муҳит, адабий жараён, жуда кўп ажойиб дўстлар дадамнинг келгуси ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Устозлари ва бошқа дўстлари билан алоқаларини узмаганлар. Ҳамзатов, Эфендиев ёки украиналик, белоруссиялик дўстлари, татар ёзувчилари билан доимий адабий алоқада бўлиб турганлар. Аслида уларнинг дўстлар билан муносабатининг ўзи бир мавзу. Аммо бу ерда менинг фарзанд сифатидаги хотираларимнинг қатларида дадам кечирган ҳаётнинг биз учун улуғ устозлик мақомини ўтаган жиҳатлари ҳақида алоҳида тўхталгим келади. 60-йиллардаги «тирик сатрлар» учун олган даккиларини эслаймизми, 70-йиллардаги дала-ҳовли операцияси учун бўлган фельетонларини хотирлаймизми ёки 80-йиллар ҳам у киши учун осон бўлмаган. Кейинчалик буларнинг барчаси соғлиғига жиддий путур етказиб, қанд касалининг авж олиб кетишига сабаб бўлган. Лекин дадам ўз олдига эзгу мақсадлар қўйган, руҳий тушкунлик тамомила ёт бўлган, тинибтинчимас инсон эдилар.

«Жаҳон адабиёти» журналига раҳбарлик қилиш, кўплаб таржималар, мақолалар ёзиш, эссе ва портретлар яратиш, радио ва телевидение кўрсатувларида иштирок этиш, доимий мутолаа қилиш ва айни бир пайтда шогирдлари учун вақт топиш... Буларнинг барчаси дадамнинг қуёшдек ловуллаган юрак билан яшашга доим интилганликлари, қисқа бир умрнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланишга бўлган уринишлари эди.

— Озод Шарафиддинов нималарга улгурдилару нималарга улгуролмадилар? Сиз ҳам фарзанд, ҳам шогирд сифатида ушбу жиҳатларни қай тарзда давом эттирмоқдасиз?

— Яқинда дадамнинг архивларида ўтириб узоқ ишладим ва кўп маълумотлар олдим. У кишининг орзулари кўп эди. Олинган маълумотлар ичида бир талай таржима қилишга мўлжалланган асарлар рўйхати бор. Уларнинг ниятлари дунё халқлари ўқийдиган дурдона асарларини ўзбек халқи ҳам ҳеч қийналмасдан ўқиши учун кетма-кет таржималар қилиб етказиб бериш эди. Яна ўзлари йиққан китобларни, яъни кутубхонамиздаги китобларнинг барчасини қайта мутолаа қилишни орзу қилардилар. Уларнинг кутубхоналари шунчалар каттаки, у ердаги китобларни ўқиб чиқиш учун бир инсон умри етмайди, деб гоҳида ўйлаб қоламан. Яна бир орзулари катта невараси Шаҳнозанинг ўғлини — катта эвараларини мактабга кузатиб қўйиш эди. Ва «Жаҳон адабиёти» журналининг мавқеини бунданда баланд бўлишини истар эдилар.

Бугун ўзингиз ҳам минглаб талабаларга устозсиз. Бизни дадангиздан сизга айнан қандай фазилатлар ўтганлиги қизиқтиради.

— Биринчи навбатда, мен ҳам худди дадам каби вақтни тежашга ҳаракат қиламан. Чунки ижод билан шуғулланиш учун одатда, вақт у даражада кўп бўлмайди.

Иккинчидан, дадам жуда аниқ ишлардилар. Оддий тил билан айтганда, бир сўзли одам эдилар. Ҳар кунги режа муҳрланган бўлиб, борадиган жойга вақтида борардилар, бепарволикни ёмон кўрардилар. Мен у кишининг шу фазилатларига амал қилишга ҳаракат қиламан.

Дадам яна бирор нарсадан хафа бўлсалар, қисқа муддатда унутиб юборардилар. Кўпинча хафа қилган одамлар ҳам кейинчалик дадамнинг яқин дўстига айланиб қолганларига кўп гувоҳ бўлганман.

Суҳбатдош: Нозимахон РАҲИМОВА, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети II босқич талабаси.

● Такрор мутолаа

Нодар ДУМБАДЗЕ

ХАЗАРУЛА

Ҳикоя

У билан илк бор гаплашганимда, ўн тўртда эдим. У қарийб бувим билан тенгдош, эллик беш-олтмиш ёшлардаги қари дарахт бўлиб, уни Хазарула деб атар эдилар.

Эсимда, илгарилари бувим ҳар йили қишда унинг мевасидан Тбилисига олиб келгучи эди. Қишлоқнинг хушбўй ҳиди сингиб кетган бувим вокзалдан тўппа-тўғри ётоқхонамга кириб келарди-да, сиртдан кўримсизгина, сўлинқираган муздек олмани менга тутқазиб, шундай дерди:

— Бу қўрангдаги Хазаруладан, болам... Олмасхоновдаги Дафинога ўхшаб тарангмаслигига қарама. Дунёда, айниқса, наҳорга есанг бундан мазали олма йўқ. Егин, жон болам...

Кейин мен қишлоққа кўчиб бордим. Хазарула билан ана ўшанда танишдим.

Чўмичлар, орчхуми*, чоғроққина кўзачалар осилган бу сув қочира бошлаган серкавак, лекин ҳамон қудратли, кўркам, серсоя дарахт марани*да мағрур савлат тўкиб турарди. Афсуски, уч йилдан бери гулламас, табиийки, ҳосил ҳам бермас экан. Эрта баҳор кези бир куни бувим мени тонг қоронғисида уйғотди. Қўлида ўткир чархланган болта ялт-ялт ярқираб турарди.

— Бунингиз нимаси? — деганча бошимни кўрпага буркаб олдим.

— Бемаънилигингни қўй! Қулоғингдан чўзиб турғазмасимдан яхшиликча ўзинг туриб ишга қараш! — деди бувим жаҳли чиқиб.

— Каллайи саҳарлаб нима иш экан? — деб сўрадим малол келиб.

— Шундай бир ишки... эр кишисиз битмайди... Мени калака қилганига ўлайми тағин! Хотин кишидан тап тортиб ўтираманми, деяётгандир-да! — деди у тундлашиб.

— Кимни айтяпсиз? Бригадиримизними?

— Кимни бўларди, Хазарулани айтаяпман! Ноинсоф, аблаҳгина дарахт! Бу нима деган гап ўзи — одамни шунча лақиллатадими, ахир!

— Сизни лақиллатаётган ким ўзи, дарахтни айтяпсизми?

— Ҳа-да!

— Олма дарахти-я?! — дедим мен қулоқларимга ишонмай.

— Ҳосил бермаса — мева дарахтлиги қаёққа боради? Дарахт эмас, қоқ ўтин!

— Хўш, мен нима қилай?.. Уни чопиб ташлайми?

— Йўқ, аввал қўрқитиб қўйишинг керак. Агар муомалага юрмаса, унда қуриб кетгурни чопиб ташлаймиз! Бундан бошқа нима чора қоларди? Сен у билан ёлғиз ўзинг гаплашишинг керак, — деганча бувим эшикни ёпиб чиқиб кетди.

«Наҳотки, у чиндан ҳам одамнинг тилини тушунса?!» — деб ўйладим жилмайганча. Кейин болтанинг сопини ўнглаб ушладим-да, қулочкашлаб силтадим, аммо ярим йўлда тутиб қолиб, сўнг дарахтнинг томирига сал-пал тегиздиму бамисоли «Ўлишми, қолишми?» деб монолог ўқиётгандек, ўй сурганча хитоб қилдим:

— Чопа-а-айми, чопмайми? Чопа-а-айми, чопмайми?

Анчагина индамай тургач, қўл силтадимда, дарахтгина эмас, яқингинамда ётган хумнинг тош қопқоғи ҳам эшитгудек қилиб баралла шундай дедим:

— Майли, жин урсин, яна бир йилча сабр қилай-чи. Олма қилса яхши, агар қилмайдиган бўлса, таг-томири билан чопиб ташлайман. Мендан қочиб қутулармиди!

Бувимнинг топшириғини адо этиб, Хазарулага қараб кўйдим. У тоғ атрофидан кўтарилиб келаётган қуёш нурларидан ҳузур қилиб яйраган кўйи пинагини бузмай бамайлихотир турарди.

— Хўш, нима бўлди? — сўради бувим.

— Э-ҳа, бечора қўрқиб кетди, қалт-қалт титрашга тушди! Уни қаранг.

Хазарула япроқларигача қўшилиб, бутун вужуди билан титрамоқда эди...

...Баҳор амалга кириб келмоқда эди. У Губазоули* қирғоқларидан бизнинг кўрамизга ҳам ташриф буюрди. Бодом, тоғолча гулладди, олхўри, ноклар гулга бурканди... Хазарула эса Худо билсин, қандай ўйларга чўмганча уйқу босгандек қимирламай турарди.

Бувим мени яна саҳарлаб уйғотди. Уйғотди-да, қўли билан олмани кўрсатиб:

— Уни қара! — деди.

Ҳарир пушти либосга бурканган Хазарула бизга писанда қилаётгандек жилмайиб турарди.

Хазарула шунақанги гуллабдики! Унга асаларилар шунақанги ёпирилишибдики!

Шунақанги мева тугдики! Олмалар шунақанги етилиб бердики! Дарахтгинамиз бизнигина эмас, чор-атрофимиздаги қўни-қўшниларимизни мураббо, қоқи-ю ароққача сероб қилди. Тиши қамашиб моллар Хазарулани анча наридан четлаб ўтарди. Мен бўлсам ҳар куни эрталаб саватда Теофан Дугладзенинг сигирига олма ташийдиган бўлдим.

— Худо ҳаққи, сигир жониворни ўз ҳолига қўйсанг-чи, бўлмаса сут ўрнида олма шарбати соғиб оламиз.

— Сен нима қилиб қўйдинг ўзи, Хазарула! Ана холос! — дедим мен дарахтга қараб, унинг қоқ учидаги чуғурчиқ чўкиб кетган охирги олмани калтак билан қоқарканман.

— Нима қилибман! Номинг олма дарахти бўлгандан кейин шундай қилишинг керак-да! — деб жавоб берди Хазарула қари мучалари қисирлаганча.

Ана шу билан ҳаммаси барҳам топди. Ўшандан кейин Хазаруланинг шохларида биронта ҳам олма кўринмади.

...Икки йилчадан кейин хумдан вино олаётганимизда, аввал тунд қиш осмонига, кейин Хазарулага қараб, бувим ўкинганча бош чайқади-да, ўз-ўзига гапиргандек шундай деди:

— Кечга яқин қор уриб беради... Ўтинсиз қийналиб қоламиз... Хазарулани чопиш керак...

— Яна бир йилча сабр қилайлик, бувижон! Мен баҳорда у билан гаплашиб кўраман, яна бир марта қўрқитаман, — деб илтимос қилдим мен.

— Йўқ, болам, энди ҳеч қандай дўк-деваранг унга кор қилмайди... — деди бувим ғамгингина.

— Мен уни чопмайман! — деб қичқириб юбордим.

— Нима учун? — деб таажжубланди бувим.

— Нима учун бўлади? Ахир ўзингиз айтган эдингиз-ку: дарахт одамнинг гапини эшитади, тушунади, деб?

— Бе, болам, кампир одам нималар деб алжимайди? Дарахтни айтасан, одамлар бирбирини тушунмай қолди-ку. Ҳазиллашсам, лаққа ишониб ўтирибсанми? — деб гапни бурмоқчи бўлди бувим.

— Чопмайман, дедимми, вассалом! У гапларимизни эшитибгина қолмасдан, бизни яққол кўриб туради. Ана, қаранг, ҳатто терс бурилиб олибди! — дедим мен дарахтни кўрсатиб.

— Вой, тавба, нималар деяпти бу ўзи! — деди бувим қаҳ-қаҳ отиб. — Нима бало, эсингни еб қўйдингми? Ҳаммасига ўзим сабабчи! Қилмишимга яраша бўлди! Ҳой, қушнилар, ҳой, барака топгурлар, бу қурибгина кетмагур шумтакани йўлга солиб қўйинглар!

— Нима гап, кампиршо, нега бунчалик айюҳаннос солаётибсиз! У нима гуноҳ қилиб қўйган эдики каллайи саҳарлаб қойиётибсиз? — деб сўради уйимизнинг олдидан ўтиб кетаётган Анания Салуквадзе ва ҳовлимизга кириб келди.

— Асло сўрама, сўрама, ўргилай, Анания. Бурноғи йили мен ундан Хазарулани қўрқитиб қўйишни сўраган эдим... Ҳозир, чоп, деб илтимос қилган эдим, қани энди кўнса! Дарахт одамни тушунади, уни чопмайман, дейди! — деб жавоб берди бувим қўшнимизга бир стаканда ёқутранг мусалласдан узатаркан.

— Худо сиз билан хонадонингизга омонлик берсин, ўргилай Дарижон! — Анания мусалласни шундай иштаҳа, ҳузур билан ичдики, оғзимизнинг суви келди. — Одамни тушунарканми-я? — деб сўради Анания.

— Унинг гапига қарасанг, эшитибгина қолмасдан, бизни кўриб ҳам турармиш. Унинг бу ишга дахли йўқ, гап-сўзлар билан унинг бошини гангитган мен. Ҳамма айб менда!

Бувим қуйиб берди, Анания яна ичди-да, менга қаради.

— Сен, албатта, энди шаҳарлик йигитсан... Аммо сен деҳқончиликнинг ҳамма ҳикматини аллақачон тушуниб олган бўлишинг керак эди... Деҳқон одам хонадонида нималарни асраб турмасди? Қисир сигир, мевасиз дарахт, зурёдсиз хот... — деганча Ананиянинг гапи оғзида қолди-да, бувимга ўғринча қараб қўйди.

— Нима деяпсан, Анания? — деб заҳарханда қилди бувим. — Агар менинг болаларим бўлмаганда, мана бу такасалтанг қаёқдан келарди?

— Ана... Зурёдсиз хотиннинг ҳам баҳридан ўтарди... Бувингнинг бўлса, еттита боласи бор эди... Тушундингми?

— Нима демоқчисиз, Анания амаки? — деб сўрадим мен.

— Нега дарахтни кесгинг келмаяпти?

— Ачинаяпман.

— Кунимиз шу лапашангларга қолган бўлса, шўримиз курсин! — деди бувим хўрсиниб.

— Ундай деманг, ҳурматли Дарижон! — деб қўйди Анания жиддий оҳангда.

— Гапирмасам бўладими, ахир? Товуқ сўймайди, ачинармиш! Улоққа тақилмайди, ачинармиш... Ўтган Янги йил айёмида сўймоқчи бўлган чўчқасини яқинда Интабусти қишлоғида ушлаб олишибди.

— Шу ростми, йигитча? — деб сўради Анания.

— Рост, Анания амаки, аммо Худо ҳаққи менга ваъз-насиҳат қилаверманг, барибир Хазарулани кесмайман!

— Билганингни қил бўлмаса!.. Яна бир стакангина қуйиб беринг-чи, ўргилай Дарижон, Хазарулангизни бўлса эрталаб остонангизга юмалатиб қўямиз. Ҳозир менинг дарахтга текулик ҳолим йўқ...

Бувим қуйиб берди. Анания стаканни бўшатиб бепарвогина сўраган бўлди:

— Тишга босгудек бирон нарсангиз йўқми, ўргилай Дарижон?

— Ҳов анави узун таёққа ҳушинг борми, ўргилай Анания?

Анания индамай ўрнидан туриб, ховлидан чиқди-да, кўча юқорисига қараб кета бошлади.

— Хазарула кўриб туради, дейсанми? Хе-хе-хе!.. Сенинг Хазаруланг экан-ку, менинг ўзим ҳам ҳеч балони кўрмаяпман, ука! Хе-хе-хе... — деб гандираклаганча йўлига равона бўлди.

...Йигит ҳақли экан. Сассиз бўлиб қолган дарахт ҳамма нарсани кўриб турар, ҳамма гапни эшитиб турар эди. Машаққатли ўйлар Хазарулага тинчлик бермасди. Ярим кечада юраги гурс-гурс ура кетди, хумни ҳар томондан чирмаб турган томирлари сиқилиб келди. Хум силкиниб кетди. Хазарула томирларини кучлироқ чирмаштирди, хум қисирлаб кетгандек бўлди, унда сезилар-сезилмас биринчи дарз пайдо бўлди. Сирқиб чиққан ёқутранг суюқлик дарахт томирларига қуйилди. Хазарула бу ғалати суюқликдан хавотир билан аста-секин бир неча томчи шимиб кўраркан, танаси бўйлаб нотаниш титроқ ёйилди. Бора-бора бу нарса ҳузурга айланди-ю, Хазарула хумни кучлироқ сиққан эди, у бир неча жойидан дарз кетиб синди-да, ичидаги суюқлик ёзги қурғоқчилик вақтида ёққан ҳаётбахш ёмғир сингари варақлаб оқа бошлади.

Бугун мўъжиза юз берди. Хум бўшаб қолди. Хазарула сўнгги томчини ичаркан, одам билан мана шу ғалати суюқлик сири унга аён бўлди... Кекса дарахт нима учун одамлар бирбирлари билан ўпишишларини, қўлларида қадаҳ билан ёш тўкишларини, нима учун унинг атрофида давра олиб қўшиқ айтишларини, ўйинга тушишларини, кулишларини, ёқалашишларини, нима учун шу қадар ихлос қўйиб хумни қизғиш суюқлик билан тўлдиришларини тушунди. Буларнинг ҳаммасини тушунган Хазарула ҳам қўшиқ айтгиси, елиб-югургиси, ўпишгиси, йиғлагиси ва ўйинга тушгиси келди-ю, аммо бу тилагини амалга оширолмади. Негаки, у одам эмас, оддийгина дарахт эди. У ўзи қодир бўлган нарса билан қаноатлана қолди — то тонг отгунга қадар чайқалиб, гувиллаб турарди...

Эрталаб эса... Эрталаб Хазарула ёнбошига эшитилар-эшитилмас зарба келиб тушганини сезди. Зарба оғриқсиз бўлгани учун Хазарула унга эътибор бермади. Кейин иккинчи, учинчи, бошқа, яна бошқа зарбалар келиб тушганини сезди. Бу нарса бир соатча давом этди. Хазарула ёнбошига оғиб кетаётганини пайқади. Қандайдир бир ғалати нарса, қандайдир бир номаълум юк уни босиб келар, у эса сирли кучга тобора ён босмоқда эди. Ниҳоят пайваст қарсиллаган товуш эшитилди. Хазарула қалқиб кетиб, мувозанатини йўқотди-да, аввалига аста-секин, кейин эса тобора шиддат билан оға бошлади. Хазарула гумбурлаган садо билан қўллари, елкаси ва бўғинларининг қирсиллаганини айни бир вақтда эшитди, аммо негадир ҳеч қаери оғримади. У кўзларини юмди-да, уйқуга кетди.

— Тур, болам, Анания охир дарахтни қулатиб берди! — деди бувим мени уйғотиб. — Ма, болтани олиб, шохларини бута.

Бувим сезганича бор экан. Кечаси қор ёғибди. Ясанган, мусаффо қишлоқ никоҳ куни оқ либос кийган келинчакни эслатарди. Фақат бизнинг ҳовлимизгина тунд кўринар — маранида худди жасаддек баҳайбат олма дарахти чўзилиб ётарди.

Мен қулаган дарахтнинг олдига бориб лол бўлиб қолдим, унинг танасидан қирмизи шира сиркимокда эди.

— Бувижон! — деб қичқирдим мен.

— Нима дейсан?

— Бу ёққа келинг, ўзингиз кўрасиз!

— Бу нима? — деб сўради таажжубланганча бувим.

— Билмадим... Қон бўлса керак...

— Ақл бовар қилмайди. Дов-дарахт январда уйқуда бўлади. Улар февралга бориб ширага киради... — деб бувим ғалати ширага қўлини беихтиёр тегизди-да, уни ҳидлагач, капалаги учганча менга қаради. — Қани, хумни очиб кўр-чи!

Хум бўм-бўш эди!

— Худоё худовандо, ўзинг паноҳингда асра!

Бувим қўлларини осмонга чўзиб, аста-секин тиз чўкди.

Хазарула совуқдан кўзларини очди. Аввалига ўтли суюқлик ичгани учун кўзлари тиниб кетаётгандек туюлди. Аммо кейин болта сопига энгагини тираган қўли эҳтиром изҳор этиб турган бола билан қўлларини осмонга чўзганча чўккалаб қолган қора либосли кампирни кўргач, Хазарула энди куни битганини пайқади-да, кўзларини юмди. Мангуга.

Орчхуми — хумларни тозалаш учун ишлатиладиган асбоб

Марани — қўраларда узумнинг суви сиқиб олинадиган коври — хумларда вино сақланадиган жой.

Губазоули — дарё.



АДИБ НОМИ БАРҲАЁТ

Фаробий қабристони. Буюк адибу ижодкорлар, олиму уламолар, арбобу зиёкорлар, санъаткорлар абадий қўним топган гўша.

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли олим, ижодкорларнинг меҳрибон устози Озод Шарафиддинов билан бундан бир йил аввал видолашган эдик. Ўтган чоршанба куни атоқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, адабиёт ихлосмандлари ва талабалар устоз қабри зиёратига келиб, унинг хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Истеъдодли хайкалтарош Тўлаган Тожиҳўжаев адиб бюстини маҳорат билан яратгани таҳсинга лойиқдир.

Бутун умрини адабиётга бағишлаган, истиқлол, адолат учун курашиб толмаган, ўзидан эл-юрт корига яраймиган муносиб зурриёдлар қолдириб кетган меҳрибон устознинг ҳаёти биз талабалар учун ибрат мактабидир.

Хотира тадбирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, профессор Абдуғафур Расулов, шоир Мирпўлат Мирзо олим тўғрисида дил эҳтиромларини билдиришди.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

● «Олтин давр» ташвишлари

ТЎРТИНЧИ ПАРА

Домла яна эринмай маъруза ўқияпти. Нотаниш, талаффузи қийин терминлар талабаларнинг маърузани «ҳазм қилиш»ини қийинлаштирмоқда. Домла эса кўзини китобдан узмайди, гапини тугатай демайди. Одатда тўртинча пара доим шундай ўтади. Ўқиладиган маъруза ўлгудай зерикарли бўлса, талабаларнинг ҳолига вой! Ҳозир дарсга берилган, домланинг маърузаларини жон қулоғи билан тинглашга одатланган гурухдошларимнинг ҳам сабри тугаган, талабаларнинг аксари қачон дарс тугайди-ю, қачон очиқ ҳавога чиқар эканмиз, деган хаёлда ўтиришибди.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Ҳатто ёнида ўтирган гурухдоши билан пичирлашиб гурунглашиш ҳам малол келади баъзиларга. Вақтни ўтказиш керак, тўрт деворнинг ичида зерикканидан нима қилишини билмай кимдир хат ёзиб ўтирибди. Кейин у икки букланган бир варақ қоғозни олдинда ёки орқа қаторда ўтирганлардан бирига узатади. Хат ёзиш жуда мароқли-да! Домланинг маърузасини тинглаш илинжида биринчи қаторда ўтирган дугоналаримиз энди орқа қатордагиларга ҳавас қила бошлашди. Лекин улар «диққат» билан маъруза тинглашга мажбур!.. Ўзларидан кўришсин!

Домла гап сотаётганлар томонга нигоҳ ташлади. Ким ғўнғирлаётганлигини аниқлай олмади шекилли, яна китобга қараб гапини давом эттирди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора, мен нима қилсам экан?.. Хат ёзсамми, маърузага қулоқ тутайми ёки... аудиториядаги сабокдошларимни бирма-бир кузатишга киришдим. Сўл томондаги қаторда ҳамиша дераза токчасига елкасини босиб ўтирадиган йигитча одатдагидек жим. Уни сира тушунолмайман. Қачон қараманг, чурқ этмайди. Домлалар ёздиришса — ёзади, савол беришса — жавоб қайтаради, вассалом! Партанинг қуп-куруқ тахтасига термулганича ўтираверади. У шу ўтиришида хаёлан дунёни кезиб чиқаяпти, назаримда. Нималарни ўйлаяпти экан-а?!

Ана, у кулимсиради. Деразадан ташқарига кўз югуртирди. Бир лаҳзада жиддий тортиб қолди. Туфлисининг учи билан полга нималарнидир суратини чизди, кейин юзини партага босганича қўлларини пастга осилтириб ўтирди. Нимадир эсига тушиб кетди шекилли, костюмининг ички чўнтагидан ён дафтарчасини олди. Уни варақлай-варақлай излаганини топди. У кимнинг телефон рақами экан, деган ўйда ўтирсам, йигит шошилиб дафтарчасига нималарнидир ёзишга киришди. Наҳотки, домла ўқиётган маърузани конспектлаштираётган бўлса? Ўлибдими! Нимани ёзди экан-а?! Қани энди ўша ёзувга кўз югуртиришнинг эпини қилсам. Ёзганидан кўнгли тўлмади шекилли, ҳамма нарсадан зериккан гурухдошим яна бошини партага қўйганича кўзларини юмди. Ухлаб қолса-я! Йўқ, ухлаш қайда, бошини кўтарди-да, ён дафтарининг ўзи ёзиб тўлдирган саҳифасини шартта йиртиб олди, уни ғижимлаб, чўнтагига солди. Энди ўзидан зерикиб домланинг гапига қулоқ тутди. Маърузадан завқ олмоқчидек, умид тўла кўзларини катта-катта очиб, диққат билан фикрини бир ерга жамлаб ўтирди.

Домланинг гапларини беріліб тинглаётган талаба жуда чиройли кўринади-да! Талабалар соғиниб тинглайдиган маърузалар ҳам кўп. Ана шундай дарсларда жимгина ўтирган талабаларга қараб сен ҳам тартибли бўлгинг келади. Бироқ ҳозир... ҳозир тўртинчи пара. Дарс тугашига яна ўн беш дақиқа бор. Шу ўн беш дақиқа қачон ўтади-ю, қачон кўчага қанот қоқиб учиб чиқар эканмиз-а?!

Мухлиса МЎМИНОВА, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси.

● Акс-садо

Газетамизнинг ўтган сонида «Бугуннинг гапи» рукни остида «Оила — тарбия мактаби» номли мақола берилган эди. Қисқа вақт ичида бу мақолада кўтарилган масала юзасидан муштарийларимиздан бир нечта мактублар олдик. Шунинг ўзиёқ тарбия масаласи шу куннинг долзарб муаммоларидан эканлигини исботлаб турибди. Қуйида ушбу мавзуда битилган мактублардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ТАРБИЯГА КИМ МАСЪУЛ?

«Ёшларимиз айниб кетишяпти». Бу гап кейинги пайтда тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Чиндан шундайми? Агар шундай бўлса, нима қилиш керак?

Тўғри, тарбия оиладан бошланади. Айтишади-ку, қуш уясида кўрганини қилади, деб. Лекин халқимизда яна бир ажойиб нақл бор: «Бир болага етти маҳалла ота-оналик қилади». Бу тарбия ишига барча бирдек масъул, дегани. Бир нарсани кўп ўйлайман. Биз — бир маҳалла қизлари кўча устида гаплашиб узоқ туриб қолардик. Бу суҳбатлар баъзан у, баъзан бу дугонамизнинг дарвозаси ёнида давом этарди. Кўчамизда бир отахон бор эди. Кўпинча масжидга кетаётганда биз гаплашиб турган бўлардик. Шу отахон: «Қиз болалар ҳадеб кўчанинг устида гап сотиб туриши яхши эмас, биронталарингнинг уйларингга кириб олсанглар маъқул бўларди», — дердилар. Бундай насиҳат кўп бора қайтарилган.

Ўша пайтларда қизларнинг никоҳ кўйлакларига «очиқ»лик энди-энди урф бўлаётган эди. Бу масалада ҳам кўпчилик маҳалладош қизларимиз ўша отахоннинг қаршиликларига дуч келарди. Биз капкатта одам қизларнинг ишига аралашиб юришидан кулардик. Кейин-кейин отахон насиҳатлари фойдасиз эканлигини сездими, ҳеч нима билан иши бўлмай кўйди. Ҳозир ўйласам, отанинг ишлари тўғри экан. Бугунги ёшларнинг издан чиқишига айнан катталарнинг лоқайдликлари сабаб эмасмикан?

Кечагина оддий, ўткинчи ҳолатдек туюлган никоҳ кўйлакларининг очиқлиги бугунга келиб ярим яланғочликка айланиб бўлди. Қизлар кияётган шимлар ҳам тепадан, ҳам пастдан қисқариб кетдики, айтгулиги йўқ. Ҳайрон қоласан, қизлар ўша кийимларини уйидан кийиб чиқармикан? Агар шундай бўлса, оила аъзолари, ота-оналар индамай томошабин бўлиб туришармикан? Шундай деймизу баъзи кап-катта аёлларнинг кийинишларига қараб, кийиниш борасида қизларимизга оналар ёмон ибрат кўрсатишмаяптимикан, деб ўйлаб қоласан. Масалага бу жиҳатдан ёндошсак, фақатгина ёшларни айблаш ҳам ноўрин.

"Бизнинг даврда ёшлар бошқача эди", — дея хўрсинади кекса отахон. «Ҳозир бошқа давр, бизнинг давримиз, ота", — жавоб қайтаради "замонавий" ўспиринлардан бири. Ўйланиб қоласан, ахлоқ мезонлари даврга қараб ўзгариб борадими?

Йўқ, ҳамма даврда ҳам бу меъёр барча учун бирдек ҳисобланган. Хусусан, бугуннинг ёшларига ҳам.

Башорат ОТАЖОНОВА.

СЕҲРЛИ РАҚАМЛИ ЁКИ...

Етти рақами билан боғлиқ мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, географик номларни учратмаган одам бўлмаса керак.

Масалан, етти иқлим, етти хазина, етти мўъжиза, етти донишманд ҳақида ким эшитмаган дейсиз. Ёки "етти ўлчаб бир кес", "Етти бобони билган эр, етти юртнинг ғамини ер" , "Еридан айрилган етти йил йиғлар", "Ёмондан қоровул қўйсанг, ёвинг етти бўлади", "Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор", "Сув етти думаласа, ҳалол бўлади...". Бунинг устига етти рақами билан боғлиқ географик, этнографик номлар ҳам талайгина: Етти кечув(Зомин туманидаги қишлоқ), Еттиқашқа(қадимий ўзбек уруғларидан бири), Еттиқудуқсой (Ғузордаги сой)...

Қизиғи шундаки, етти рақамини яхши кўриш фақат Марказий Осиё халқларига хос бўлмай, дунёдаги кўпгина миллатлар ҳам ундан бегона эмас экан. Масалан, жаҳон харитасидаги номлар бунинг исботидир: Еттисув, Семипалатинск, Едикўл, Еттиқудуқ.

Хоразмий жадвалида, Берунийнинг "Қонуни Маъсудий"сида, Улуғбекнинг "Зижи Кўрагоний"сида ҳам жой номлари етти иқлим бўйлаб тартиб қилинганини кўрамиз.

Айтайлик, қадимги Юнонистонда ҳам дунёнинг мўъжизаси деб аталишга лойиқ нарсалар жуда кўп бўлган. Аммо юнонлар уларнинг фақат етти таси ни "мўъжиза"лар қаторига киритишган(Миср эҳромлари, Искандария маёғи, Бобилнинг осма боғлари, Эфесдаги Артемида ибодатхонаси, Олимпдаги Зевс ҳайкали, Галикарнас мақбараси ва Родос ҳайкали).

...Сибирда яшовчи кетлар ва бошқа халқлар тили ҳамда фольклорини ўрганишган бир гуруҳ тилшунослар илмий асарларининг бирида таъкидланишича, кет тилида "ҳисоб тизими шундай тузилганки, энг охирги сон еттидир". Шундан ясама сонлар бошланади.

— Етти йил давомида 7 рақами тақиб юрди,— деб ёзади америкалик таниқли психолог Ж. Миллер. Олимнинг гапига қараганда, шахсий ишларида ҳам "7" унга хилма-хил қиёфада дуч келаверган.

Шундан кейин Ж. Миллер турли(кўриш, эшитиш, таъм билиш билан боғлиқ ва ҳоказо) сигналларнинг инсонга кўрсатадиган таъсирини ўрганиб, қизиқ натижалар олди. Кўпдан-кўп тажрибалар асосида тўпланган статистика маълумотларининг кўрсатишича, инсон қабул қилаётган ва миясида қайта ишлаётган ахборотлар бештадан тўққизтагача бўлганда (буни Миллер 7+-2 тарзида ифодалайди)-

БИЛАСИЗМИ?

кўпинча хатога йўл қўймас экан. Агар ахборот ҳажми ошиб кетса, янглишиш эҳтимоли ҳам ортиб боради. Демак, "7" одамлардаги идрок қилиш қобилияти билан боғлиқ экан-да.

Ажабо, бир қаращда, табиат "7"ни одамларга илгаридан ато қилгандай! Кўкда ял-ял товланган етти камалакни кўриб завқлангмаган одам бормикин?! Бугун эса оддий нур ҳам шаффоф призмадан, масалан сув буғлари орқали ўтказилса, таркибий қисмларга ажралиб, 7 хил рангда жилоланишини яхши биламиз. Мусиқада ҳам товуш етти нотада ифодаланади: до, ре, ми, фа, со, ля, си.

Ота-боболаримиз дунёда инсонни боқадиган ва бой қиладиган етти хазина бор деб ҳисоблашган(сигир, асалари, ипак қурти, обжувоз, тегирмон, ўрмон, парранда). Баъзи халқларда эса байрам дастурхонини 7 хил неъмат билан безаш азалдан расм бўлган. Ҳозир мутахассислар 7+-2ни қонуният ҳисобламоқдалар. Ҳатто, одам ўз шахсий ишларида 7+-2га асосланса, иши унумлироқ бўлар экан. Ҳозир одамлар буни ҳар қандай ишни тўғри ташкил қилишнинг энг биринчи, оддий шарти қилиб қўйишмоқда.

"7"нинг оз дейдиган даражада кичик ҳам, кўп дейдиган даражада катта ҳам эмаслиги унинг ўзига хос бир мезонга айланиб қолишига сабаб бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Шунинг учун бу рақамнинг бунчалик узоқ тарихга эга эканлигини етти ухлаб тушида кўрмаган одамлар ҳам кундалик турмушда уни беихтиёр ишлатаверганлар. Ҳатто, мумтоз поэзиямиз ҳам шу қоидадан четда қолмаган. Забардаст олим ва файласуф шоир Мақсуд Шайхзоданинг шу хусусдаги сўзларини келтириш ўринлидир: "Мумтоз ғазалларимизнинг энг кўпи билан етти байтдан ошмаслигида буюк ҳикмат бор. Узун шеърларда лирик ҳарорат сўниб кетишини аждодларимиз яхши тушунганлар"

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

Перу саҳросида «саёқ» кактус ўсади. Унда илдизлар ўрнида ўткир тиканаклар билан ўралган новдалар мавжуд. Шамол кактусни катта масофаларгача суриб юради. Бу ўсимлик ўзига керакли моддаларни сув ва тупроқдан эмас, балки ҳаводан олади.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

* * *

Онтарио штатидаги кенглиги 24 квадрат метрга тенг ҳибсхона дунёдаги энг кичик қамоқхона саналади. Унда фақат икки киши «жойлашиши» мумкин.

* * *

Жонзотлар ичида совуққа чидамлилари ўрдак ва ғоз ҳисобланади. Улар минус 110 даражагача бардош берар экан. Оқ айиқ ва тюлен эса 80 даража совуққа чидайди.

* * *

Кит сути таркибида 54 фоиз ёғ мавжуд. Кулранг китнинг боласи кунига 2 минг дона шишани тўлдиришга етадиган миқдорда сут истеъмол қилади.

* * *

Циркда ҳайвон ўргатувчиларнинг кўпчилиги асосан филлар қурбони бўлган.

* * *

Нафақат фил суяклари, балки тўнғиз ва моржларнинг тишлари ҳам жуда қиммат туради.

Беҳзод ҚОДИРОВ.

Сир-синоатга тўла олам

«ТИРИЛГАН» ҚИЗАЛОҚ ВОҚЕАСИ

ёхуд реанимация ва реинкарнация ҳодисасига оид

Сицилиянинг Полермо шаҳрида юз берган воқеа ҳаммани даҳшатга солади. Эмишки, бундан етмиш йилларча илгари вафот этган қизалоқнинг жасадида «ҳаёт аломатлари» пайдо бўлибди! 1991 йилда Англиянинг «Виа-Вита» газетасида бу ҳақдаги хабар эълон қилингач, тиббиёт мутахассислари ёки руҳшунос олимларнинг бирортаси воқеага маълум бир фикр билдиролмайдилар. Лекин маҳаллий халқ ўртасида турли гап-сўзлар тарқалавергач, махсус тузилган олимлар гуруҳи ишга тушади...

Гапни узоқроқдан бошлайлик. Маълумки, бошқа динлардан фарқли ўлароқ, католик динига мансуб халқлар орасидаги бадавлат кишилар вафот этган ўз қариндошуруғларини қабрга дафн этмасдан, жасадга обдон ишлов берилгандан сўнг тобутларга солишиб, черковлардаги махсус ўликхоналарда — саркофагларда сақлайдилар. Одатда, саркофаглар доимо тозаланиб, ҳавоси тез-тез алмаштириб турилади. Черковга ибодатга келганларнинг кўпчилиги саркофагда ётган ўз қариндошларининг жасадларини зиёрат қилиб, улардан хабар олиб турадилар.

Ўтган асрнинг ўн саккизинчи йилида зотилжам касалидан вафот этган икки яшарли қизалоқ Розалия Ломбардо жасади махсус ишловдан кейин, тобутга солинади. Жасад яхши кўриниб туриши учун усти шишадан ишланган қопқоқ билан беркитилади ва Полермо шаҳри марказидаги кичкина черковга қўйилади. Қизчанинг жасади узоқ йиллар яхши сақлангани боис зиёратга келганлар эътиборини жалб қилиб келган. Лекин вақтлар ўтиб, ўликлар ётган хонада ғайритабиий ҳодисалар юз бера бошлайди. Зиёратга келганлардан бири қизчанинг жасади ётган тобутдан лаванда гулининг ҳиди анқиётганидан ҳайрон бўлади. Ўрта ёшлардаги бошқа бир киши эса қизалоқ кўзини бир очиб-юмганлигини бошқаларга айтади. Бир неча йиллар ичида шунга ўхшаш ғайриоддий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганлар анча-мунча кўпаяди. Шундан сўнг, саркофагни тозалашга кирадиган ходимлар ўликхонада ишлашдан бош тортишади ва бу воқеаларни чуқурроқ текширишни талаб қиладилар!

Полермога келган олимлар гуруҳи замонавий компьютерли энтифалограф асбобини қизча жасадининг бошига улаб қўйишади. (Бош мияда ҳосил бўлган биотокларни ёзиб олиш энцефалография деб аталиб, у мия ҳужайраларида кечаётган ҳаётий жараён натижасида ҳосил бўлган электропотенциалларни қоғозга чизиқ сифатида тушириш усулидир.) Икки ҳафта давом этган кузатувлар ҳеч қандай натижа бермайди, олимлар қизчанинг жасадини кузатишни тўхтатишга қарор қилишади. Худди шу вақтда ҳаммани ҳайратга соладиган ҳодиса юз беради. Мўмиёланган жасаднинг бошига уланган асбоблар мияда ҳосил бўлган биотокларни ёза бошлайди! Бундан етмиш беш йил илгари вафот этган — айни вақтда қотиб ётган жасаднинг мия қисмида электр биопотенциалларнинг ҳосил бўлиши тиббиёт учун мўъжиза саналарди...

Мутахассилар аниқлашича, Розалия Ломбардо бошидан ёзилаётган энцефалограмма худди чуқур уйқуда ётган кишининг мия биотоклари билан айнан бир хил эди! Бундан ташқари, 33 сония ва 12 сония давом этган кучли мия қўзғалишлари ҳам компьютерда қайд қилинганди.

Тиббиёт олимлари гуруҳини бошқарган профессор Пауло Кортес кузатилган ҳодиса юзасидан аниқ бир фикр айтишдан ожиз эканини эътироф этаркан, йиғилганларга шундай дейди:

— Икки ҳафталик кузатувлар натижа бермагач, биз навбатдаги мишмишларга дуч келамиз деб ўйлагандик, аммо қизчанинг миясида вақти-вақти билан пайдо бўлаётган ҳаёт аломатлари гумонимиз ноўрин эканлигини тасдиқлади. Қизча ярим дақиқадан ортиқроқ вақт ичида гўёки ҳаётга қайтгандай бўлди...

Полермо шаҳрида юз берган бу воқеанинг овозаси Сицилия ороли ҳудудларига тарқалиб, кичкина черковга зиёратга келгувчилар бир неча ҳиссага ортиб кетди. Маҳаллий ахборот воситаларида воқеага оид мақолалар ҳам чоп этилди. Ерлик аҳоли эса Розалия жасадини «уйқудаги гўзал» деб атай бошладилар...

...Биз реанимация ҳақида бироз маълумотга эгамиз, бироқ реинкарнация хусусида айтарли ҳеч нарса билмаймиз. Мен яқинда тиббиёт фанлари доктори, олий тоифали жарроҳ Шуҳрат Абдураҳмонов билан суҳбатлашганимда, ҳар иккала тушунчага оид фикрларини ёзиб олишга муваффақ бўлдим.

— Реанимация юнонча сўз бўлиб, («ре» — қайта, «анимация» — жонланиш) ҳаётга қайтиш деган маънони англатади. Яъни беморнинг юраги уришдан тўхтаб, ўлим содир бўлгандан сўнг қон орқали кислороднинг танага келмай қолиши кузатилади. Натижада гипоксия (кислород танқислиги) юз беради. Бош мия ярим шарларининг пўстлоқ қаватида жойлашган асаб ҳужайралари бу «танқислик»ка олти дақиқа чидайди, холос. (Чунки қон айланиши олти дақиқадан ортиқ вақт тўхтаса мия ҳужайраларида ўлим содир бўлади!) Демак, бундай вақтда зудлик билан реанимация амаллари бажарилиб, олти дақиқа ичидаёқ юрак фаолиятини (ва қон айланишини) тиклаш зарурдир. Агар кечикилса, бош мия пўстлоқ қаватидаги ҳужайраларда ўлим содир бўлади, олти дақиқадан кейин юрак уриши қайта тикланган чоғда ҳам инсон танаси «тирик мурда»га айланади, у ҳаракатсиз ва ақлҳушсиз бир неча соатдан бир неча ойларгача яшаши мумкин. 2006 йилнинг май ойида Россиянинг НТВ канали орқали АҚШ клиникаларининг бирида миясининг пўстлоқ қавати ўлган, олти йилдан бери сунъий нафас олиш асбоби ёрдамида яшаётган йигирма ёшли аёл ҳақидаги кўрсатув намойиш этилди.

— Сиз жарроҳлик соҳасида узоқ йиллар ишлаб, илмий кашфиётлар яратган ва амалий изланишлар олиб борган олимсиз. Шундай экан, реинкарнация ҳодисасидаги фикрларингизни ҳам айтиб ўтсангиз. Масалан, Полермо шаҳридаги воқеа ҳам сизнингча...

— Ҳа, ушбу воқеага биологик нуқтаи назардан эмас, балки спиритизм (руҳий таълимот) фалсафаси назарияси асосида ёндошсак, тўғрироқ бўларди, менимча. Бу назарияга биноан, танада ҳаёт тўхтагач, унда яшаган руҳ танани тарк этади. Америкалик олимларнинг аниқлашларича, инсон танасидаги руҳнинг вазни 3,5 граммни ташкил этган. Одатда, ўлик тана дафн этилиб, вақт ўтиши билан чирийди ва тупроққа аралашади. Эркин қолган руҳ эса танасуҳ (реинкарнация)га айланади, бошқа янги туғилган танага ўтиб ўз ривожланишини давом эттираверади. Черковга жасади қўйилган Розалия исмли қизалоқ мисолида эса бу қоида бузилганди. Руҳ қачонлардир ўзи тарк этган тананинг ташқи қиёфаси сақланиб қолганлиги сабабли унинг атрофидан кетолмаган, вақт-бевақт келиб у билан «мулоқот»га киришган ва айни вақтда «тириклик» аломатларини бериб турган. Фикримча, воқеанинг бу тахлит кечиши жасаднинг ерга кўмилгани билан боғлиқ бўлса керак. Чунки, инсоният тарихида қўллаб келинаётган қоидага кўра, ўлган тана албатта йўқотилиши шарт. Шунинг учун ҳам айрим халқларда жасадни ерга кўмишади, айримларида куйдирадилар, баъзи бирларида эса сувга чўктиришади. Шундагина танадан чиқиб кетган руҳ тинчланиб, олдин яшаган танасидан умидини узади ва танасуҳ (реинкарнация)га юз тутишига имкон яратилади. Демак, юқорида айтганимиздек, яхши сақланган танани ташлаб кетолмай унинг атрофида юрган Розалиянинг руҳи билан боғлиқ ҳодиса «полтергейст», яъни бебош руҳнинг «ўйинлари»дан бўлак нарса эмасди. Электромагнит тебранишлари ҳам бебош руҳнинг фаолияти чоғида ёзиб олинган! Розалияни «қайта тирилган» деб гумон қилиш ёки уни «чуқур уйқуда» деб тахмин этиш мантиққа зид бўлиб, бу ҳодиса дин пешволари томонидан нотўғри баҳоланган ҳодиса, холос.

— Ўлиб, сўнг тирилиш аслида бор ҳодисами? Жарроҳлар кўп маротаба таъкидлайдиган «клиник ўлим» ёки «табиий ўлим» ибораларини қандай тушуниш керак?

— Бундан анча йиллар аввал мен Москвадаги кўп тармоқли Боткин номли шифохонанинг реанимация бўлимида ишлаб юрган чоғларимда устозимиз — реанимация бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Владимир Кассил бир воқеани сўзлаб берганди. Реанимация бўлимида вафот этганига олти соат бўлган бемор жасадини икки тиббий ходим аравачага солиб, шифохона ўликхонасига олиб боради. Кечқурун бўлганлиги сабабли тиббий ходим шеригини аравача ёнида қолдириб, ўзи ўликхона эшигини очиш учун кетади. Худди шу пайтда аравачада ётган жасад ўрнидан туради ва устига ёпиб қўйилган оқ чойшабни ёпиниб, аравачадан тушади. Буни кўрган тиббий ходим шу жойнинг ўзидаёқ жон таслим қилади. Қайтиб келган унинг шериги эса ақлдан озади. «Тирилган мурда» ёмғир шивалаб ёғиб турганига ҳам эътибор бермай оқ чойшабни ёпинганча оёқ яланг реанимация бўлимига кириб келади ва уни олиб борган тиббий ходимларнинг аҳволидан хабар олиш кераклигини айтади. Устозимизнинг айтишича, шу беморнинг ўлганлиги ҳақидаги хулоса юрак иши тўхтаганлиги электрокардиограммада қайд қилингандан сўнг чиқарилган экан. Ушбу ҳодисадан кейин эса юрак тўхтаган ҳолларда ҳам уни уқалаш (массаж қилиш) ва юқори кучланишли электр токи билан фаоллаштириш усули реанимация амалларига киритилган экан...

Фикримча, ўлим ёлғон ва ҳақиқий бўлиши мумкин. Ёлғон ўлим (яъни клиник ўлим) пайтида танада яшаб турган руҳ вужудни буткул тарк этмайди, балки «ўз эгаси»нинг ҳолатини четдан туриб кузатади, қулай фурсат келиши биланоқ, қайтадан тана ичига кириб, ўз фаолиятини давом эттиради. Кўпгина клиник ўлимлар реанимация бўлимида юзага келади ва аксарият ҳолларда бемор шифокор кўмаги билан яна «жонлантирилади». Ҳақиқий ўлим эса мутлақо бошқача. Яъни у биологик ўлим саналиб, кексалик ёки ўта жиддий ва хавфли касаллик туфайли танада юзага келган оғир ҳолатларни яхшилаш имкони йўқлигидир. Бу вақтда руҳ танада ҳаёт жараёни тўхташи биланоқ уни мангуга тарк этади...

— Шунчалар аниқ гапираётганлигингизнинг сабаби нимада?

— Мен жудаям аниқ гапираётганим йўқ. Чунки, руҳ танани буткул тарк этдими, йўқми, буни ҳеч бир киши билишга қодир эмас. Ахир, бизнинг ўлим тўғрисидаги тушунчаларимиз бемор танасини электрофизиологик текшириш натижаларига асосланган. Бас, шундай экан, жасаднинг дафн муддатларига илгариги вақтларда ҳам кўпам эътибор берилмаганлигини таъкидлаш мумкин. Манбаларда ёзилишича, баъзи қабрларни бошқа жойга кўчириш учун очилганида жасаднинг ётган ҳолатлари ўзгариб қолгани, унинг қабрдан чиқишга уриниш ҳаракатлари аниқланган. Масалан, рус ёзувчиси В. Гоголнинг қабрини кўчириш чоғида жасаднинг тобутда ерга қараб ётганлигини кўрганлар ажабланишган. Темурийлардан бўлмиш шоҳ Ҳусайн Байқаро қабри очилганда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолат юз берган. Демак, руҳ танани буткул тарк этмасдан туриб жасадлар дафн этилган бўлиши мумкин. Шундай экан, юрак уришдан тўхтаса ёки бемор нафас олмай қўйса, бу ҳолат ҳақиқий ўлимни ифода этмаслиги мумкин. Ҳар қандай ўлим шароитида реанимация амаллари бажарилиши керак, деб ўйлайман.

Жарроҳ суҳбатидан сўнг ўйланиб қолдим. Сирли-синоатли бу дунёда ҳали ечимини кутаётган муаммолар кўп. Баайни, шифокор олимларнинг тинимсиз изланишлари юқорида айтиб ўтганимиз сингари жумбоқли тилсимлар калитини топиши шубҳасиз. Албатта, буни вақт кўрсатади.

Г. ЖАМИЛОВА тайёрлади.



Латвияда «Халқ партияси» ғалаба қозонди

Латвия Марказий сайлов комиссияси мамлакат парламентига ўтган сайловларнинг дастлабки натижаларини маълум қилди, деб хабар беради РИА Новости агентлиги. Барча бюллетенлар ишлаб чиқилгандан сўнг сайловда консерватив "Халқ партияси" 19,33 фоиз овоз билан ғалаба қозонганлиги аниқ бўлди. Ушбу партиянинг етакчиси мамлакат бош вазири Айгар Калвитис саналади.

Унинг энг яқин рақобатчиси "Яшиллар ва деҳқонлар иттифоқи" бўлди. Ушбу иттифоқ сайловчиларнинг 16,56 фоиз овозини тўплашга муваффақ бўлди. Шунингдек, "Янги давр", "Келишув маркази", "Биринчи партия", "Ватан ва эркинлик учун" ҳаракати ҳамда "Ягона Латвияда инсон ҳуқуқлари учун" партиялари ҳам сеймдан ўрин олишди.

Суха Арофат Тунисда яшайди

Фаластиннинг собиқ етакчиси Ёсир Арофатнинг беваси Суха Арофат ва унинг қизи Захва Тунис фуқаролигини қабул қилишган. Суха Арофат Франция фуқароси саналади, аммо ўз турмуш ўртоғи вафот этган 2004 йилнинг ноябридан буён Тунисда истиқомат қилиб келмоқда.

Унинг 11 ёшли қизи эса Тунис пойтахтида хусусий лицейлардан бирида таълим олиш билан банд. ИТАР-ТАСС тарқатган хабарларга кўра, улар кўпчилик назаридан четда яшашади, ҳар қалай, шу вақтга қадар уларнинг ҳаёти кундалик газеталарнинг мавзусига айлангани йўқ. Шунга қарамай, сал олдинроқ 41 ёшли Суха Арофат ва Белхасен Трабелси никоҳдан ўтиши ҳақидаги хабарлар тарқалган эди. Аммо бу хабарларни Суха Арофатнинг ўзи рад этган.

Тбилиси – Москва: муносабатлар таранглашмоқда

Грузия етакчиси Тбилисидан Россия фуқароларини эвакуация қилишни мураккаблаштирувчи қарор қабул қилди. Олдинроқ Грузия томони Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тегишли юк самолётларининг аэропортга қўнишига розилик бермаган эди.

Шундай бўлсада, икки самолётнинг бирига аэропортга қўнишга изн берилди ва душанба куни Россия фуқароларининг бир қисмини Тбилисидан олиб чиқиб кетди.

Шимолий Корея ядро синовини ўтказди

Душанба куни Шимолий Корея ядро синовларини ўтказди, деб хабар беради AFP. Мамлакат ахборот агентликлари тарқатган маълумотларга кўра, синовлар муваффақиятли ва хавфсиз ўтган, радиоактив моддаларнинг чиқиб кетиши юз бермаган.

Жанубий Корея мудофаа вазирлиги тарқатган хабарларга кўра, синовлар Килчжу шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган Хвадери районида ўтказилган.

Синов пайтида Рихтер шкаласи бўйича 3,58 балл билан ер силкиниши қайд этилган. Япония томони эса плутонийли бомбалар синовдан ўтказилганлиги ҳақидаги ахборотни тарқатган.

Чехиялик «Дунё гўзали»

Варшавада "Дунё гўзали" — 2006 кўрик-танлови якунига етди.

Унда чехиялик 18 ёшли Татьяна Кухарова ғалаба қозонди. Дунё гўзали, деб тан олинган Татьяна Кухарова чет тилини ўрганмокда. Унинг орзуси Парижни кўриш.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга акаси **Раҳмонжон МЕЛИБОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши «Янги аср авлоди» нашриёти бош директори Эркин Абдураҳмоновга волидаи муҳтарамаси **ИЛҲОМИЯ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, ijtimoiy-madaniy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1223.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00